


“ТАСЛИКЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси раиси

Б.Бегалов
“ 07 ” 09 2020 йил

**Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш
ва ўтказиш бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма)нинг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат статистика қўмитаси) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлис палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, ҳамда мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бошқарма рўйхатга олиш (аҳоли, қишлоқ хўжалиги, уй-жой фонди ва бошқа рўйхатга олиш) жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда – ҳудудий статистика органлари) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси раиси раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз фаолиятига кирувчи масалалар бўйича Давлат статистика қўмитаси раисига бўйсунди.